



ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ АКТИВЛАР (ВАЛЮТА)ГА НИСБАТАН ВОРИСЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Умарова Сунбула Бахриевна

Хусусий амалиёт билан шуғилланувчи нотариус

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13376204>

ARTICLE INFO

Received: 14th August 2024

Accepted: 15th August 2024

Published: 19th August 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Замонавий инсон ҳаётини ижтимоий тармоқлар ва Интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Кўп одамлар вақтларини виртуал оламда ўтказадилар. Интернетдаги “аккаунт”, “мессенджер”, “электрон почта” каби сўзлар ҳозирги кунда лексиконимизда янги ва номаълум бўлган сўзлар эмас. “Bitcoin”, “Веб-сайтлар”, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар “YouTube” каналлари каби Интернет ресурслари ўз эгаларига жуда катта даромад келтириши мумкин.

Замонавий инсон ҳаётини ижтимоий тармоқлар ва Интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Кўп одамлар вақтларини виртуал оламда ўтказадилар. Интернетдаги “аккаунт”, “мессенджер”, “электрон почта” каби сўзлар ҳозирги кунда лексиконимизда янги ва номаълум бўлган сўзлар эмас. “Bitcoin”, “Веб-сайтлар”, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар “YouTube” каналлари каби Интернет ресурслари ўз эгаларига жуда катта даромад келтириши мумкин. Аммо мерос қолдирувчи томонидан сотиб олинган электрон китоблар ва аудиовизуал асарларга кириш учун мерос қолдирувчининг аккаунтига кириш талаб этилади¹. Агар марҳумнинг ушбу аккаунтга кириши учун махфий бўлган сўзи йўқолган бўлса, унда унинг аккаунтининг тақдири нима бўлади? Қонун чиқарувчи ушбу ҳолатда ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқ нормаларни тартибга солмаган. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар шундан ҳам мураккаблашадикки, “аккаунт” тушунчаси мутлақо шахсий, чунки мерос қолдирувчи бошқа шахслар билан ёзишмаларни олиб борган бўлиши ва меросхўр(лар)га ёзишмага рухсат берган тақдирда, ёзишма сирини бузиши мумкин. Шунингдек, фойдаланувчи “Яндекс money” ва “WebMoney” каби хизматларда рўйхатдан ўтганида, у ўз номига ҳисоб қайдномасини рўйхатдан ўтказди ва барча молиявий операцияларни ўз номидан амалга оширади, агар меросхўр ушбу ҳисоб қайдномасига кирса, у барча молиявий операцияларни ўз номига эмас, мерос қолдирувчининг номига амалга ошириши мумкин, бу эса қонунчилик томонидан рухсат берилмайди.

Ҳозирги вақтда фақатгина “Webmanу” каби IT компанияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ пул маблағларини мустақил тартибга солади. Бунинг учун пул маблағини олиш учун нотариус мерос қолдирувчи номига очилган ҳисобварақ ҳақида сўровнома киритиши шарт. Мерос тўғрисидаги гувоҳномани олгандан кейингина меросхўрлар ушбу пул маблағларини олиш имкониятига эга бўладилар.

Ушбу масалани яна бир бор мураккаблаштирадиган нарса шундаки, кўплаб одамлар булутли хизматларга сохта номлар билан рўйхатдан ўтишади ва ушбу ҳисобварақ

¹ Наследственное право: постатейный комментарий к статьям 1110–1185, 1224 Гражданского кодекса Российской Федерации / Отв. ред. Е.Ю. Петров. – М.: М – Логос, 2018. – 656 с.

меросхўрга тегишли эканлигини исботлаш жуда қийин. Менинг фикримча, бундай ҳисоб ва маблағларга кириш суд тартибида олиниши керак.

Интернет компаниялари фойдаланувчининг ўлимини турлича тартибга солади. Масалан, “Yandex” булутли хизмати ҳуқуқий ворисларга рухсат бермайди ва агар у ерда бир йилдан ортиқ фойдаланувчи бўлмаган бўлса, ҳисобни ўчириб ташлайди. Google ҳуқуқий ворислик соҳасида энг илғор компания ҳисобланади. Ушбу компания “ҳар қандай ҳолатда” деб номланган махсус хизмат яратди, унда шахс ўз ҳисобининг ҳуқуқий тақдирини ўзи белгилаши мумкин. Масалан, шахс ўз ҳисобварағини меросхўрлардан бирига ҳам, учинчи шахсга ҳам васият қилиши мумкин. Агар мерос қолдирувчи ўз ҳисоб қайдномасини васият қилмаган бўлса, “Google” меросхўрларнинг аризасига кўра уни ўчириб ташлайди ёки уларга ҳисоб қайдномасига кириш ҳуқуқини беради².

Бундай васиятнома билан маълум маънода ўхшаш бўлган, аммо нотариал тасдиқланмаган васиятномининг ҳақиқийлиги ҳақидаги масала долзарб бўлиб қолмоқда. Менинг фикримча, электрон пуллар, крипто валюта, бонус майллар фуқаролик ҳуқуқларининг объекти ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига мувофиқ ворисларга мерос бўлиб ўтиши керак. Шу ўринда савол туғилади, яъни ахборот технологиялари компаниялари томонидан ўз-ўзидан ишлаб чиқилган рақамли активлар бўйича ҳуқуқий ворислик қоидалари қонунийми ва улар норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучига эгами? Фойдаланувчи ва IT компанияси ўртасида ҳисобни рўйхатдан ўтказишдан олдин тузилган ва ҳисобни эгаллаш масалаларини ҳал қиладиган шартнома ҳақиқийми?

Ўзбекистонда 2020 йилдаги Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ “Bitcoin” каби криптовалютани сотиш, сотиб олишга рухсат берилган. Савол туғилади: марҳумнинг крипто валюталари қандай қилиб мерос бўлиб қолади? Ҳозирда, барча крипто-валюталар сингари, “Bitcoin” ҳам Фуқаролик кодексига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқи объекти саналади. Бироқ, амалдаги қонунчиликда “Bitcoin”ни мерос қилиб қолдириш билан боғлиқ механизм мавжуд эмас. Рақамли валюта амалдаги анъанавий ашёвий ҳуқуқ объектларидан (шунга қарамай, уни мажбурий ҳуқуқ объектлари турига киритишга имкон бермайдиган) жиддий фарқларга эга³. Масалан, рақамли валютани эгаллашнинг ўзи нодавлат хусусиятга эга ва меросхўрларда рақамли валютанинг мавжудлиги ва унинг таркибий белгилари (яъни тақсимланган кириш тизимига кириш) тўғрисида тўлиқ маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, ушбу объектни мерос қилиб олиш мумкин эмас. Ўз навбатида, ушбу ҳуқуқий муносабатлар доирасида ушбу объектнинг амалдаги топширилиши ҳуқуқий майдондан тўлиқ ажралган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин, бу эса ҳуқуқий муносабатлардан ташқари муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу эса судда бўлиши мумкин бўлган низолар учун шартдир.

Рақамли валютани бошқа мол-мулк турига киритиш бўйича мурасасиз қарор у билан боғлиқ битимларни ҳуқуқий тартибга солишга имкон беради, аммо рақамли валюталарнинг хусусиятларига жавоб берадиган ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил моделини яратишга ёрдам бермайди. Бундан ташқари, рақамли молиявий активларнинг рақамли валютадан муҳим фарқи шундаки, рақамли молиявий активни тасдиқлайдиган талаб (мажбурият) бўйича тўловчи ҳар доим мавжуд бўлади, шу билан бирга рақамли валютада тўловчи йўқ ва унинг асоси бўлган талаб (мажбурият) ҳам йўқ.

² Сервис «На всякий случай». [Электронный ресурс]: URL: <https://clck.ru/TguQr> (дата обращения: 01.11.2020).

³ Никифоров А. В. Разъяснение Верховным Судом Российской Федерации вопросов наследования // Наследственное право. – 2014. – № 4. – С. 7–9.

Рақамли валюталарнинг бундай айланмаси шуни англатадики, улар ҳеч қачон мажбурият сифатида қаралмайди.

Аслида, субъект сўнги пулга нисбатан ҳуқуқ эгаси мустақил равишда, чекловларсиз ва бошқа субъектларнинг иштирокисиз мулкдорнинг нақд пулга нисбатан эга бўлган ҳуқуқларига жуда яқин бўлган барча тегишли ҳуқуқларни амалга оширади. Бироқ, рақамли валютанинг ашёвий-ҳуқуқий хусусияти бўйича ҳулоса чиқариш йўлидаги энг катта тўсиқ шундаки, у ашёвий эмас. Рақамли валютани мутлақ ҳуқуқлар объекти сифатида кўриб чиқиш керак, бу деярли пул феномени бўлиб, унинг хусусиятлари нақд пулга ўхшайди, аммо нақдсиз пулга эмас.

Шубҳасиз, рақамли валюта қиймат хусусиятларига эга, у инсон учун қимматли, шунинг учун у мерос таркибига кириши мумкин. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида рақамли валюта ҳақида ҳеч қандай эслатма йўқ ва мерос ҳуқуқий ворислик объектлари орасида унинг ўрнини белгиламайди, шунинг учун ушбу турдаги ҳуқуқий муносабатлар амалда чекланган даражада аниқлаштирилиши мумкин. Мавжуд ҳуқуқий ноаниқликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124-моддасини қуйидаги мазмундаги **таклиф билан тўлдириш** таклиф қилинади: “Рақамли валюта ва рақамли ҳуқуқларни бошқариш ва мувофиқлаштиришни таъминловчи субъектга ўлим ҳолатида электрон шаклда васиятнома тузиш ушбу объектларга нисбатан ёзма васиятномага тенглаштирилади ва улар ўртасидаги мерос ҳуқуқий муносабатларни, шу жумладан, тегишли рақамли тармоғда мавжуд бўлган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солади”.

Шу қаторда, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 1152¹-моддаси Рақамли валютани мерос қилиб олиш мазмунидаги модда киритиш ва унда: “Рақамли валютани мерос қилиб олувчи қайси мерос кетма-кетлигига тегишли бўлишидан қатъи назар, рақамли валютани қонун асосида мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, бундан рақамли валюта бошқа шахсга васият қилинган ҳоллар мустасно” мазмунидаги қоида киритиш таклиф этаман.

Ушбу ўзгартириш мероснинг ҳар қандай навбатидаги шахслар учун рақамли валютадан фойдаланиш ҳуқуқини қонунийлаштиришга, тегишли ҳуқуқий муносабатларга нақд пул маблағларини мерос қилиб олиш билан ўхшаш модел бўйича ҳуқуқий асос беришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси.
2. Наследственное право: постатейный комментарий к статьям 1110–1185, 1224 Гражданского кодекса Российской Федерации / Отв. ред. Е.Ю. Петров. – М.: М – Логос, 2018. – 656 с.
3. Никифоров А. В. Разъяснение Верховным Судом Российской Федерации вопросов наследования // Наследственное право. – 2014. – № 4. – С. 7–9.